

Рўйхатга олинди  
№ \_\_\_\_\_  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2007 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирининг биринчи  
ўринбосари  
\_\_\_\_\_ А.Парпиев  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2007 й.

## **НАМУНАВИЙ ДАСТУР**

### **«ИНФОРМАТИКА»** фани бўйича

5521900 – «Информатика ва ахборот технологиялари (Иқтисодиёт)»  
бакалавриат йўналиши талабалари учун

**Умумий ўқув соати – 302**

**Умумий аудитория машғулотлари соати – 168**

**Умумий мустақил таълим соати – 134**

**Давлат аттестацияси**

ТОШКЕНТ - 2007 й.

Фаннинг намунавий дастури Олий ва ўрта махсус, касб – ҳунар таълими ўқув – методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2007 й. \_\_ - сон мажлисида муҳокама этилган ва маъқулланган “Информатика ва ахборот технологиялари (Иқтисодиёт)” таълим йўналиши учун ДТС ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Фаннинг намунавий дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:** Доц. Дадабаева Р.А. \_\_\_\_\_  
Кат. ўқит. Насриддинова Ш.Т. \_\_\_\_\_

Фаннинг намунавий дастури “Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ” билим соҳаси бўйича ўқув – методик бирлашмасида «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2007 й. кўриб чиқилди ва тавсия қилинди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг \_\_\_\_\_ сон қайдномаси билан тасдиққа тавсия этилди.

## **КИРИШ**

Иқтисодиётда ахборот технологияларидан кенг кўламда фойдаланиш иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда қатор глобал миқёсдаги ўзгаришларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантиришда, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этишда ҳамда улардан фойдаланишда, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондиришда, жаҳон ахборот ҳамжамиятига киришда ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришда «Информатика» фанини ўқитиш катта аҳамиятга эгадир.

«Информатика» фанини ўқитишдан асосий мақсад талабаларни замонавий техник воситалар, операцион тизимлар ва инструментал воситаларидан фойдаланиш усуллари, ҳисоблаш жараёнларини автоматлаштириш тамойиллари ва услублари билан чуқур ва ҳар томонлама таништиришдан иборатдир.

«Информатика» фанини асосий вазифаси Президент И.А.Каримов томонидан қўйилган масалаларни ечишга, жамиятни ахборотлаштириш тўғрисидаги дастурларни амалга оширишга қаратилган бўлиб, иқтисодий мутахассисликлар бўйича таълим олаётган талабаларни ташкилий-иқтисодий соҳадаги масалаларни ечишда янги, юқори унумдорли ҳисоблаш техникасидан ва замонавий ахборот технологиясидан самарали фойдаланишга ўргатишдир, яъни:

- талабаларни замонавий операцион тизимлари, матн ва жадвал ахборотларни қайта ишлаш дастурлар имкониятлари билан таништириш;
- иқтисодий масалаларни ечиш учун алгоритмлаштириш асослари ва Паскаль тилида дастурлар тузишни ўқитиш;
- Интернет тизими ва локал тармоқларда ишлаш учун амалий кўникмаларни эгаллаш.

Ўқув курсининг предмети бўлиб, ахборот технологияларини жорий қилиш усуллари, техник ва дастурий воситаларнинг назарий асослари ва уларни тегишли соҳаларда тадбиқ қилиш усуллари ҳисобланади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фанга кириш**

Информатика, ахборот технологиялари фаннинг таърифи ва моҳияти, уқитиш мақсади. Информатиканинг вужудга келиши тарихи, ҳозирги замондаги ўрни ва унинг ривожланиш истикболлари. Ахборот ва маълумотларнинг таснифи ва хусусиятлари. Ахборот маданияти ҳақида тушунча. Маълумотларни ишлаб чиқиш босқичлари.

### **Техник воситалари ва уларнинг ривожланиш тенденциялари.**

Техник воситаларининг умумий таърифи. ЭХМларнинг таснифи, яратилиш босқичлари. Ахборот ва маълумотларнинг таснифи ва хусусиятлари. Ахборот маданияти ҳақида тушунча. Маълумотларни ишлаб чиқиш босқичлари. Шахсий ЭХМнинг тузилиши. Маълумотларни киритиш қурилмалари. Маълумотларни қайта ишлаш қурилмалари. Маълумотларни сақлаш қурилмалари. Маълумотларни чиқариш қурилмалари. Телекоммуникация воситалари.

### **Дастурий таъминоти ва унинг ривожланиш тенденциялари.**

ЭХМнинг дастурий таъминотининг таснифланиши. Дастурий таъминоти тушунчаси ва унинг вазифалари. Дастурий таъминотнинг туркумланиши.

Операцион тизим. Дастурлаш тиллари. Сервис дастурий таъминот. Вирус. Антивирус дастурлар. Дискларга хизмат кўрсатувчи дастурлар. Маълумотларни қайта тиклаш. Зарарланган дискларни қайта тиклаш. Дастурий маҳсулотлар тавсифи. Дастурий маҳсулотлар тавсифи. Амалий дастурий таъминот.

### **Операцион тизимининг турлари ва қўлланиш соҳалари.**

WINDOWS операцион тизимининг умумий таърифи. Windows ME, Windows XP, Unix, Linex операцион тизимларининг функциялари. Windows ME, Windows XP операцион тизимларининг фойдаланувчи интерфейси. Unix, Linex операцион тизимларининг умумий таърифи. WINDOWS операцион тизимининг фойдаланувчи интерфейси. Дарчалар билан ишлаш. Маълумотий тизими. Папка ва файллар билан ишлаш. Контекстли меню. Папка ва файлларни кидириш. Windows Explorer. Control Panel. «Менинг компьютерим» папкаси. WINDOWS тизимининг тармоқ муҳитидаги имкониятлари. MICROSOFT OFFICEнинг таркиби ва функциялари. ва қўлланиш соҳалари.

### **Матн ахборотларни қайта ишлаш дастурлари.**

Матн муҳаррирлари ҳақида умумий тушунча. Word – матн муҳаррири. Матни киритиш, таҳрирлаш, нусха олиш. Абзац ва қаторларни форматлаш. Матнга жадвалларни ўрнатиш ва таҳрирлаш. Кўп устунли ҳужжатлар устида ишлаш.

### **Электрон жадвалларни қайта ишлаш дастурлари.**

Жадвал процессорлари ҳақида умумий тушунча. Электрон жадваллар тайерлаш дастури Excel. Excel дастурини созлаш. Электрон жадвалларини тузиш. Электрон жадвалларида ҳисоблашни ташкиллаштириш. Формулаларни киритиш ва таҳрирлаш. Электрон жадавлларида диаграммалар тузиш. Жадвал маълумотлари билан ишлашдаги айрим иш режимлари.

### **Презентация тайерлаш дастурлари.**

Презентация тайерлаш POWER POINT дастури. Презентацияларни тайерлаш ва такдим этиш. Матни киритиш ва таҳрир килиш. Слайдларни куриб чиқиш усуллари. Анимация усулларида фойдаланиш. Бир слайдан бошқа слайдга улаш усули.

### **Компьютер тармоқлари.**

Компьютер тармоқлари тушунчаси ва таснифи. Интернет глобал компьютер тармоғи. Интернет ресурслари ва улардан фойдаланиш. Инструментлар панели ва уни созлаш. Меню сатри. Браузерлар ва уларни созлаш усуллари. Электрон алоқаси. Электрон алоқа адресини яратиш. Интернетнинг кидирув тизимлари ва ахборотни кидириш.

### **Алгоритмлаштириш асослари.**

Алгоритмлаштириш тушунчаси. Масалаларни ЭҲМда ечиш босқичлари. Алгоритмларнинг хоссалари: дискретлиги, натижавийлиги, умумийлиги. Ҳисоблаш жараёнларининг график тасвири. Чизиқли ҳисоблаш жараёнларининг алгоритмларини ишлаб чиқиш.

Тармоқланган ҳисоблаш жараёнларининг алгоритмларини ишлаб чиқиш. Қайта такрорланувчи ҳисоблаш жараёнларининг алгоритмларини ишлаб чиқиш.

### **Дастурлаш асослари.**

Дастурлаш тиллари ҳақида умумий маълумотлар. Паскаль дастурлаш тили. Турбо Паскаль интеграциялашган дастурлаш муҳити. Турбо Паскаль редакторининг структураси ва вазифалари. Маълумотлар

турлари. Маълумотларни кўрсатиш турлари. Маълумотларга ажратилган хотира хажми ва уларни хотирада акс этиш. Идентификаторлар гуруҳлари. Белгили идентификаторларни иборалаш ва уларда келтириладиган қийматлар. Константаларни иборалаш ва уларда қийматларни бириктириш. Ўзгарувчиларни иборалаш қоидаси. Ўзгарувчи турини аниқловчи калитли сўзлар ва уларга ажратиладиган хотира хажми.

### **Паскаль тилининг асосий элементлари.**

Тил алфавити. Дастурнинг структураси. Маълумотларни киритиш операторлари. Маълумотларни чиқариш операторлари. Тилнинг бошқарувчи конструкциялари: қиймат бериш оператори; шартли ўтиш оператори; бошқаришни узатиш оператори. Тармоқланган ҳисоблаш жараёнларининг дастурларини ишлаб чиқиш. Массивлар ва шартли белгиларга эга ўзгарувчилар.

### **Такрорланувчи ҳисоблаш жараёнларини амаллаштириш операторлари.**

Қайта такрорланувчи ҳисоблаш жараёнларининг турлари. Итерацион такрорланишларни амаллаштириш For оператори. For операторни ишлатиш қоидаси. For операторнинг бажарилиши. Шарти бошида қўйилган цикл оператори While. While операторни ишлатиш қоидаси. While операторнинг бажарилиши. Шарти охирида қўйилган цикл оператори Repeat. Repeat операторни ишлатиш қоидаси. Repeat операторнинг бажарилиши.

### **Фойдаланувчи белгилаган процедура ва функциялар.**

Подпрограммалар ҳақида умумий тушунча. Фойдаланувчи белгилаган процедуралар. Процедураларни тузилиши. Процедураларни таърифлаш. Процедураларга мурожаат қилиш (активлаш) қоидаси. Фойдаланувчи белгилаган функциялар. Функцияларни таърифлаш. Функцияларга мурожаат қилиш (активлаш) қоидаси. Подпрограмма параметрларининг вазифаси. Параметрлар турлари. Параметрларни ишлатиш қоидаси. Ҳақиқий ва формал параметрлар. Қиймат-параметрлар ва ишорат-параметрлар.

### **Идентификаторларнинг таъсир доираси.**

Дастур блок тузилишида. Подпрограммалар блок сифатида. Блокларни бир бири ичига киритилиши. Идентификаторларни иборалаш қоидаси. Подпрограммалар билан ишлашида ҳатолар бўлишига сабаблар.

### **Маълумот файлари ҳақида умумий маълумот.**

Масалаларни ечишда маълумотларни йиғиш зарурлиги. Файл тушунчаси. Стандартли файллар. Фойдаланувчи аниқлаган файллар. Структурали файлларни таърифлаш қоидаси. Файл спецификацияси.

### **Кетма-кет мурожаат қилиш файллари билан ишлаш.**

Масалаларни ечишда маълумотларни йиғиш зарурлиги. Файл тушунчаси. Стандартли файллар. Фойдаланувчи аниқлаган файллар. Структурали файлларни таърифлаш қоидаси. Файл спецификацияси. Кетма-кет файлларни ташкил қилиш. Кетма-кет файл компоненталарига мурожаат этиш. Кетма-кет файлларни тахрирлаш. Кетма-кет файл компоненталарини ўчириш.

## **АМАЛИЙ, СЕМИНАР, ТАЖРИБА МАШҒУЛОТЛАРИ УЧУН КЎРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР**

Амалий ва тажриба машғулотлари янги педагогик технологияларнинг “Ақлий хужум” усули, “Пингбод”, “Инсерт”, “Кластер”, “Балиқ скелети” каби техникаси ва ҳолатли масалалар ёрдамида ёритилади. Бу усуллар талабаларга мавзуларни ўзлаштиришга, гуруҳларда фаол иштирок этишга ва мустақил фикрлаш қобилиятини такомиллаштиришга ёрдам беради. Гуруҳларга бўлиб, бериладиган савол ва слайдлар Excel, Power Point компьютер дастурида тайёрланади. Билимларни эгаллаш ва олинган кўникмалар даражаси жорий, оралиқ ва якуний назоратлар бўйича олинган баллар асосида аниқланади.

## **ЧИЗМА-ҲИСОБ, КУРС ИШИ ВА ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР**

Ўқув режасида чизма-ҳисоб ва курс ишлари кўзда тутилмаган.

### **АСОСИЙ ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ғуломов С.С. Шермухаммедов А.Т, Бегалов Б. А, “Иқтисодий информатика” Т.: “Ўзбекистон” – 1999 .
2. Алимов Р, Ходиев Б, Алимов Қ ва бошқалар. “Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари”, Т.: “Шарқ”-2004.
3. Ғуломов С.С, Алимов Р.Х, ва бошқалар. “Ахборот тизимлари ва технологиялари” “Шарқ”, Т.: -2000.
4. Алимов Р, Ходиев Б ва бошқалар. “Ахборот технологияси” Ўқув қўлланма. Т.: - ТДИУ, 2004 .
5. Алимов Қ, Абдувоҳидов А ва бошқалар. “Замонавий ахборот компьютер технологиялари” Ўқув қўлланма. Т: - ТДИУ, 2004 й.